

АНВАР САДАТ: ИСРОИЛГА ТАШРИФ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ (ёки араб баҳорининг биринчи дубли)

Азиза Турсунова – ТошДШИ магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада араб-исроил можороси унинг араб мамлакатлари тарихий ривожланишидаги салбий аҳамияти, ушбу можорони ҳал қилишда Миср ҳукуматининг сай-ҳаракатлари ҳақида батавсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек мақолада Араб-исроил можороси доирасида Анвар Садатнинг фаолияти библиан ҳам танишиш мумкин бўлади.

Анвар Садат (1918-1981) Араб дунёсида ўзига хос ва бетакрор сиёсатчи сифатида қолаётган сиёсий арбобдир. У ғарб дунёсида араб сиёсий доираларида энг машҳур сиёсатчилардан бири сифатида эътироф этилиб халқаро Нобель мукофотиға муносиб топилиган. Анвар Садат бутун сиёсий фаолияти давомида янги Мисрни ташкил қилиш, Яқин Шарқ минтақасида янгидаврға асос солиш иштиёқи билан фаолият олиб борди. Унинг бошлаб берган тараққиёт йўли, минтақада юритган сиёсатининг асоратлари бугунги кунға қадар давом этиб келмокда. Анвар Садат сиёсий фаолиятининг энг юкори чўққиси бу унинг Иерусалимға ташрифи ва кейинчалик ушбу ташрифнинг самараси сифатида имзоланган битимларидир. Кэмп- Девид битими XX аср сўнги чорагининг энг шов-шувли воқеаларидан бири сифатида баҳоланади.

Маълумки, Анвар Садатғача Мисрни бошқарган Жамол Абдулносир СССРға ён босиш сёсатини олиб бориб, Сурия, Ироқ, Яман халқ демократик республикаси, Эфиопия билан бирға собиқ СССР манфаатлари доирасиға кирган араб давлатлари сирасиға кирарди. Ўз навбатида баъзи бир бошқа араб давлатлари (Саудия Арабистони каби) АҚШ таъсрида бўлган. Икки кутбли халқаро муносибатлар шароитида Анвар Садат АҚШ томониға мойиллик билдиргани билан ўша вақтдаги АҚШ маъмурияти президент Жимми Картер бошчилигида зудлик билан бу вазиятдан фойдалана бошладилар. Бошқа тарафдан Анвар Садат Жамол Абдул-Носир шуҳратининг соясида қолиб кетишни истамас. Унинг шахсий ғурури ва худбинлигини қаноаттирмайдиган иккинчи даражалали шахс бўлиб қолиши унға тинчлик бермаган. Бутун араб дунёсида эса Миср орқада қолгани билан уни Собиқ СССР ва социалистик лагеридаги давлат билан яқинлиги уни мавқеини бироз мустаҳкамларди. Садат даврида Миср бутун араб дунёсида етакчилигини (албатта АҚШ ёрдами билан) қўлға олмокчи бўлди. Бироқ собиқ СССР ва бошқа социалистик давлатларда "капитилистик" оламға қарши олиб борилган совук урушдоирасидаги Мисрға қарши ташвиқот ва тарғибот, ўз навбатида Фаластинни Исроилға қарши қўйилиши билан СССР ва АҚШнинг минтақадиги вазиятни таранглаштирди. Анвар Садат "хиёрати" боис бир ғуруҳ давлатлар АҚШға бир ғуруҳи эса собиқ СССРға ўз садоқатларини кўрсатишға ҳаракат қилдилар. Минтақадаги қарама-қаршилиқ айнан шу икки давлат ўртасидаги қаршиликлари ва зиддиятларининг натижаси эди. АҚШ ва унинг итгифокчилари собиқ СССРнинг араб давлатлари ва минтақадаги итгифокчилари сафига раҳна солиш учун Анвар Садатнинг шуҳратпарастлик ва лидерликка даъвосидан фойдаланишди.

1973 йил октябрида Исроилға қарши бўлиб ўтган навбатдаги уруш ҳаракатларида араб бирлигининг қўли баланд келди. Миср раҳнамоси Анвар Садат ушбу ғалабадан сўнг араб дунёсида улкан обрў эътибор қозонди. Исроилнинг минтақадаги воқеликларға нисбатан муносабати ўзгариб, Араб давлатлари билан муносабатларни қайта кўриб чиқиш сиёсатини юрита бошлади. Исроил воситасида минтақадаги сиёсий жараёнларни бошқариб туришға интиладиган Кўшма Штатлар ҳукумати кўмагида расмий Иерусалим янги Миср асосчиси Анвар Садат билан музокаралар олиб боришға киришди. Ваҳоланки, 1973-йилдан 1977 йилгача бўлган даврда Анвар Садат Исроил билан ҳеч қандай музокаралар бўлмаслигини таъкидлаб келарди.

1975 йил 27 февралда швед телевиденияси мухбирига берган интервьюсида Анвар Садат Исроил билан муносабатларнинг келажаги ҳақида берилган саволга шундай жавоб берган эди "қандай қилиб мен ҳали ҳамон менинг давлатим ҳудудида турган Исроил билан келишишга ваъда беришим мумкин? Бу очиқчасига ва расмий равишда Исроил томонига қамални давом эттиришга имкон бериш эмасми? Исроил араблар ҳудудини эгаллаб турган бир вақтда бундай битим ҳақида гапириш мумкинми? Исроил бу ерларни тарк этмас экан бу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу очиқ гап ва бу менинг позициям. Мен Исроил билан сепаратик битим имзоламайман"

1977 йил 9 ноябрида Анвар Садат МАР парламенти Халқ Мажлиси олдида қилган мувожабатида эса тинчликка эришиш учун йўл Исроил кнессети орқали бўлса у Исроилга жўнаб кетиши ва ҳар қандай вазиятда ҳам тинчликка эришишга ҳаракат қилишини билдирди. Шу йилнинг 19-ноябрида Анвар Садат бошчилигида юқори мартабали МАР делегацияси Иерусалим шаҳрига келди ва 20 ноябрда Анвар Садат Исроил кнессети вакиллари олдида нутқ сўзлади. Нутқда Исроил билан муносабатларнинг келажагини белгиловчи 5 асосий тамоил ажратиб кўрсатилади улар: 1967-йил Исроил томоидаи босиб олинган араб ерларини қамал қилинишини тўхтатиш; Исроил халқига унинг асосий ҳуқуқини ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини қуриш ҳуқуқини бериш; ҳар бир давлат ўз ҳудудида ўзи мустақил ҳолатда яшаши, ҳавфсиз чегараларга эга бўлиши; БМТ меъёрлари асосида яшаш; минтақада уруш ҳолатини тугатиш. Ушбу тамоилларнинг баёнидан сўнг Садат ўз нутқини "Мен сизларнинг олдингизга Миср ва Исроил ўртасида сепаратик келишувни қабул қилиш учун келган эмасман, чунки Исроил билан имзоланадиган ҳар қандй сепаратик келишув ёки унинг давлатчилигига қарши чиқиш минтақада мустақам ва барқарор тинчликка олиб келмайди" деган фикр билан тугатади. Ўз ўрнида Исроил ҳукумати ҳам Садатнинг ушбу ташрифидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Жумладан, бош вазири Менхаем Бегин "биз имкон бориша бу инсоннинг Исроилдан норози бўлиб кетмаслигига ҳаракат қилишимиз керак", деб айтади.

Ушбу ташриф Араб давлатлари ва Исроил давлати ўртасидаги муносабатларда янги бир даврни бошлаб берган ёхуд Фаластин халқи учун тинчликни тақдим қилмаган бўлсада, аммо минтақадаги сиёсий вазиятга жиддий таъсир кўрсата олди. Ташрифнинг натижаси сифатида 1978 йил сентябрда Кемп-Дэвидда Миср, АҚШ ва Исроил давлат раҳбарлари Анвар Садат, Ж. Картер ва М. Бегин учрашди. Уч томонлама музокараларда Бегин ва Садат томонидан илгари сурилган ҳужжатлар муҳокама қилинди. Биринчи ҳужжат бу яқин Шарқда сулҳни ўрнатиш шартлари; иккинчи ҳужжат Исроил билан Миср ўртасида сулҳ шартномаларини тузиш масалаларидан иборат эди. 17 сентябрда бу икки ҳужжат ҳам имзоланди. 1979 йил 26 мартда Кемп-Дэвид битимлари асосида Анвар Садат ва М. Бегин Вашингтонда Миср билан Исроил ўртасида сулҳ шартномасини имзолади. Бу шартномага гувоҳ сифатида АҚШ президенти Ж. Картер ҳам имзосини қўйди.

Вашингтонда Миср Исроил ўртасида сулҳ шартномаси имзоланган куннинг эртасигаёқ Бағдодда Араб давлатлари (собиқ СССРнинг таъсирида бўлган давлатлари)нинг ташқи ишлари, молия ва иқтисод ишлари вазирларининг навбатдан ташқари кенгаши бўлди. Кенгашда Миср билан дипломатик алоқаларни ўзиш, Мисрнинг араб давлатлари Лигасига аъзолигини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Исроил Миср ўртасида имзоланган сулҳ шартномасидан кейин Фаластин муаммоси ҳамда Яқин шарқ можаросини ҳал қилиш масаласида минтақадаги кучлар нисбатининг ўзгаришига олиб келди. Исроил-Миср сулҳ шартномаси араб халқларининг араб-исроил можаросини ҳамда Фаластин муаммосини комплекс тарзда, ҳамда адолатли ҳал этиш учун курашни мушкуллаштирди.

Анвар Садатнинг олиб борган сиёсати, аслида, икки қарама- қарши лагердан ташқари мустақил сиёсат олиб бориш учун қилинган алоҳида бир давлатнинг биринчи интилиши эди. Социалистик ва собиқ СССРнинг таъсир доирасида бўлган, биринчи бўлиб мустақил ташқи сиёсат олиб боришга интилган давлат ҳам Миср бўлади. Бугунги кунгача

ёзилаётган адабиётларда Анвар Садатнинг Исроилга нисбатан олиб борган сиёсатига бир ёқлама баҳолашни давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Князев А. Г. Египет после Насера 1970 1981.- Москва, 1986.
2. Нишонов М. Яқин Шарқ: муаммо ва можаронинг тинч ҳал этиш жараёнлари (1948 2002). - Тошкент, 2004.
3. Захаров А. М. Кэмп Дэвид: политика обречення на провал. - Москва, 1982.
4. Sadat and His Legacy (Садат ва унинг мероси) *Egypt and the world*. 1977-1997. - Washington. Institute for Near East policy, 1998.